

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 70 (11.131)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **ЎТГАН** кунни Ёшлар йили муносабати билан Тошкент Давлат аграр университетда битирувчи курс талабалари, ўқитувчилар, корхона-ташкилотлар вакиллари иштирокида уюштирилган амалий анжуман ва меҳнат ярмаркаси «Битирувчи – 2008» деб номланди.

● **ТОШКЕНТДА** 28 апрелдан 4 майга қадар мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фани бўйича халқаро 42-Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирни муваффақиятли ўтказиш масалаларига бағишлаб ташкилий комиссиянинг йиғилиши уюштирилди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Чарх Камолот» маҳалласига «Камолот» ЁИХнинг «Беминат хизмат» лойиҳаси доирасида ташриф буюрган «Камолот» фаоллари ёлғиз қариялар хонасида хабар олишди, уларга уй юмушларида кўмаклашди.

● **ШАҲРИМИЗДА** шифокорлар иштиракида ўтказилган тадбирда санитария-эпидемиология назорати йўналишида амалга оширилаётган ишлорнинг ва келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **АБДУЛЛА** Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида таълим самардорлигини янада яхшилашда педагогик технологияларнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбир ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилди.

● **МАРКАЗИЙ** офицерлар уйда бичиш-тиқиш курси иштирокчилари томонидан тайёрланган миллий либослар, болалар ўйинчоқлари кўргазмаси ташкил этилди.

● **ТОШКЕНТ** Геодезия ва картография коллежида уюштирилган «Очиқ эшиклар кунини» тадбирида Мирзо Улуғбек туманидаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, ота-оналар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Фотосуратлар уйда «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Беҳзод номидаги миллий дизайн ва рассомлик институти, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида ёшлар иштирокида уюштирилган плакатлар кўрик-танлови «Ёшлар – иллатларга қарши» деб номланди.

● **«АЛГОРИТМ»** очик акциядорлик жамиятида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомлари кўргазмаси ташкил этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов бошқарган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этиди. Ўзбекистонда оммавий

**МАРД, ЖАСУР, ҲАР
ЖИҲАТДАН БИЛИМЛИ,
САЛОҲИЯТЛИ, ЖИСМОНАН
ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ
ЙИГИТЛАР ТИНЧЛИК
ТАЯНЧИ, ЭЛУ ЮРТ
СУЯНЧИДИР. УЛАР БОРКИ,
ОСМОНИМИЗ МУСАФФО,
САРҲАДЛАРИМИЗ
ДАҲЛСИЗ, ТИНЧЛИК-
ТОТУВЛИККА ҲЕЧ КИМ
РАҲНА СОЛОЛМАЙДИ.**

Баҳорги чакирик — 2008

ОҚ ЙЎЛ, АЗИЗ ЎҒЛОНЛАР!

Бугун юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чакирув тўғрисида»ги Қарори асосида ёшларни хизматга тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ҳам барча танлов ва тестлардан муваффақиятли ўтиб она-Ватан ҳимоячиси бўлишга лойиқ деб топилган бўлажак аскарлар ўз йиғитлик бурчларини ўташ учун ота-оналар, ҳокимлик, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида тантанали равишда кузатилди.

— Ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йиғит учун фахр ва шарафдир,— деди жумладан тадбирни очар экан Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Баҳромжон Жуманиёзов.

— Шу билан бирга бир умр эсда қоладиган даврадир. Чунки она-Ватан тинчлиги, эл-юрт хавфсизлиги, чегараларимиз дахлсизлиги энди сизнинг қўлингизда. Шундай экан жисмонан бақувват, руҳан тетик эр йиғитларимиз мардлиги, шижоати мустақиллигимиз кафолатидир. Ишонимизки бугун қаддини роз тутиб хизматга шайланган йиғитлар эртага хизматни шараф билан ўтаб ёрғуз юз билан ота-оналари бағрига қайтишди.

— Йиғитларимиз учун армияда хизмат қилиш юксак шарафга айланган қолди,— дейди биз билан суҳбатда Республика Мудофаа вазирлиги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бўлими бошлиғи, полковник Бахтиёр Ташмиров.— Айтиб ўтиш жоизки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги қонуннинг ҳаётга таъбиқ этилиши, муддатли хизматга танлов асосида ҳар томонлама етук ёшларнинг чакирила бошлагани, сафарбарлик резервидаги хизмат тури ҳарбийлик касбининг нуфузини, си-



— Ўғлим Самандарнинг она-юрт ҳимоячиси бўлишдек шарафга лойиқ топилганидан беҳад хаяжонданам,— дейди Омонкул Лутфуллаев. — Биз хизмат қилган даврлар билан бугунги таққослаб бўлмайди. Олис, беғона юрталарда бўлганми. Қанча қийинчиликларни бошдан кечирганми. Оллоҳга шукр, бугун мустақил Ўзбекистонимиз йиғитлари ўзимизнинг юрtda, ўзимизнинг сарҳадларимизда хизмат қилишмоқда. Уларга яратилаётган шарт-шароитларни кўрганда эса беихтиёр кўнги кўтарилади. Ахир фарзандларимиз тақдирини ишончли қўлларда эканидан таскин топмай бўладими. Шу ўринда айтмоқчи эдим, ўғлонларимиз ҳам эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишсин, ўз йиғитлик бурчларини виждонан ўтаб бағримизга ёрғуз юз билан қайтишсин.

фатини оширди. Кундан кунга Миллий Армиямиз сафлари ҳар жиҳатдан илмли, салоҳиятли, кўрмас, жасур ва она-Ўзбекистонимизга муносиб посбонлар билан тўлмоқда. Бунда албатта соҳада олиб борилаётган ишлорларнинг самараси катта. Президентимиз Ислам Каримовнинг иккинчи чакирик Олий Мажлисининг IX сессиясида профессор-онал армия тузиш тўғрисида фикр мулоҳазаларини билдириб: «Вояга етган ҳар бир йиғит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучлар



сафиди хизмат қилиш ўз конституцион бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Токи у ўзи англаб, ўзи танлаб олган мана шу ҳарбий касб эвазига ҳаётдан муносиб ўрнини ва эътибор топа олсин» — дея айтган кенг маъноли сўзларининг максад мазмунини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бир хил спорт қийматларини қийиб кўзлариди хаяжон билан ота-она, дўст-ёрлари панд-насихатларини жон қўли билан тинглаб, шўх мусикага рақсга тушиб даврага ўзгача фойз бахш этиб турган бўлажак аскарлар ва фарзандига меҳр билан боқиб турган ота-оналар билан суҳбатлашиб уларнинг дил сўзларини қозоғга ҳам туширдик.

Менинг уч нафар ўғилларим бор, Сардор ва Фарўқ хизматни яхши ўтаб тавсиянома билан қайтганлари боис имтиёзли равишда олий ўқув юртига киришди. Кенжа ўғлим Давронбек ҳам армияда боғришни жуда орзу қиларди, мана нихоят уни ҳам кузатмоқчимиз. Алоҳа коллежини бу йил битирган эди, энди хизматни аъло даражада ўтаб ҳарбий билим юртига ҳужжат топширмоқчи. Омадини берсин.

— Ҳозир жуда хаяжонданам,— дейди кўзлари чакқок, қадди баста ўқтам Бобурбек Йўлдошев.— Комиссия аъзолари жисмоний ва маънавий имкониятларимни муносиб баҳолаб хизматга лойиқ деб топилди, нихоят орзуларим ушалиб эгнимга ҳарбий лойиқ озбуладим бўлдим. Насиб этса устозларим, ота-онам меҳнатини, ишончларини оқлаб, тавсиянома билан қайтиб ўзим севган Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга киришам. Ахир, «Юртбошимиз бизга қанчадан-қанча имкониятлар эшигини очиб, барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар. Биз ҳам бу ишонч ва ғамхўрликка муносиб бўлишимиз керак.

Бугун биз ҳам ўз орзу-умидларини йўлида мақсадига етган ва шарафли бурчинини ўташга шайланаётган йиғитларга парвозингиз янада юксак бўлсин, оқ йўл, азиз ўғлонлар деб қоламиз.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлиб ўтган кузатув маросимидан лавҳалар
Наталья Семёнова олган суратлар.

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИГА БАГИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар, ўқитувчилар, маъмур академия тингловчилари иштирок этиди.

Академия ректори Қ.Назаров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Муминов, Қонунчилик палатаси депутати О.Усаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ахборот-лаштиришни янада ривожлантиришга, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Анжуманда турли ахборот хуружларига нисбатан ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришда, уларни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарорли руҳда, маънавиятимизга ёт таъсир ва оқимларга қарши тура оладиган, миллий ҳақда умуминсоний кадрларга ҳурмат руҳида тарбиялашда раҳбар кадрларнинг масъулиятини ошириш, бу борадаги уларнинг билим ва маҳоратидан самарали фойдаланиш зарурлиги кайд этилди.

Интерфаол усулда ташкил этилган анжуманда «Замонавий ахборот технологияларининг ёшлар камолотидаги ўрни», «Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишнинг ҳуқуқий асослари», «Раҳбар кадрларни тайёрлашда ахборот ресурслари ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятлари» каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ота-боболар касбини ардоқлаб, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Андижон вилоятининг Избоскан тумани Кўгай қишлоғида яшовчи ёғоч ўймақори Йўлбарс Ўтаганов ва унинг ўғли Ёш уста Умидилло Ўтагановга Юртбошимизнинг эсдалик совғалари топширилди.

● Марғилон шаҳар ҳокимлигининг Бандликка кўмаклашувчи маркази томонидан ўтказилган меҳнат ярмаркасида шаҳар ҳудудидаги 48 та корхона ва ташкилот бўш иш ўринларини тақдир этиди. Тадбир давомида 106 нафар фуқаро ишга жойлашди, 53 кишига меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, йиғит-қизларнинг 30 нафари эса «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши хузуридаги Ёшлар ижтимоий хизматлари марказига уч ойлик ўқишга юборилди.

● Чирчиқ Олий танк кўмондон-муҳандислик билим юртида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда шаҳардаги ўрта махсус, касб-хунар коллежларининг ўқувчилари ўзаро баҳс юритди.

● Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида «Обод юртининг озод фарзандларимиз» ўқувчи-ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда туман таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар иштирок этишди.

● Кўкон шаҳар ҳокимлиги ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқди. У 20 та ижтимоий жиҳатдан муҳим лойиҳалардан иборат. Ушбу дастурга асосан уй-жойга ўта муҳтож бўлган 82 оилалар учун «Райҳон» маҳалласида 32 хонадонли турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

● Бухоро шаҳридаги Сомонийлар маданият ва истироҳат боғида миллий дорбозлар ва цирк санъати жамоаларининг аънавий Республика кўрик-фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● «Шарқ» матбаа-акциядорлик компаниясининг Фарғона вилоятидаги китоб савдо марказлари кўлайиб бормоқда. Жумладан, кунни кеча Данғара тумани марказида — Тошкент-Кўкон автомагистралга бўйида янги китоб дўкони фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНДА

● Бугун Италияда 2-тур навбатдан ташқари парламент сайловлари бўлиб ўтади. Унда голиб чиққан партия Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантиради.

● Замбияда Жанубий Африка давлатлари Кенгашининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Унда асосан Зимбабведаги сиёсий вазият кўриб чиқилди.

● «Едина Россия» партиясининг съезидида Россия Федерациясининг 2020 йилгача бўлган ривожланиш стратегияси кўриб чиқилади.

● Хитой Покистонга мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш учун зарур даражада ёрдам беражигини билдирди.

● Рейтер ахборот агентлигининг билдиришича, Зимбабве сайлов комиссияси 29 март кунини бўлиб ўтган президентлик сайлови натижаларини Олий суд қарори чиқмагунча эълон қилмади.

● Яқин келажада АКШда дунёдаги энг тез учадиган ҳарбий вертолёт ишлаб чиқарила бошлайди. Мамлакатдаги «Sikorsky» компанияси муҳандислари томонидан яратилган вертолёт соатига 470 километр масофагача парвоз қилиш имкониятига эга. Унинг двигатели 1400 от кучига, оғирлиги эса 2400 килограммга тенг.

● Кеча Берлинга махсус Хотира поезде итиб келди. Ундан ўтган асрнинг 30-40-йилларида фашистлар ўлим лагерларида жабрланган болалар тўғрисидаги суратлар ва ҳужжатли материаллар ўрин олган.

● Кеча Голландиянинг Гронинген шаҳрида маҳаллий футбол жамоасининг «Аякс» клуби билан учрашуви олдидан стадионда ёнғин чиққанлиги оқибаотида 20 киши жабрланиб, қасалхонага ётқизилди. Уйин эса қолдирилди.

● Париждаги «Друга» савдо уйида «Бригет» астрономик чўнтак соати 3,47 миллион еврога сотилди. Моҳир уста Абрахам Луи Бригет (1747-1823) ясаган ушбу қадимий соат бир йилда фақат 3-5 сонияга адашади ҳолос. У ҳар чорак соатда бонг уриб туради, санани аниқ кўрсатишда қабиса йилини ҳам ҳисобга олади.

● Англиялик машҳур футболчи Дэвид Бекхэм 2007 йил натижаларига кўра энг бой футболчи деб топилди. Маълумотларга кўра, ўтган йили Бекхэм 31 миллион евро микдориди маблағ топган.

● Мобил телефонлари инсон умри учун сизга тугунни ёки асбест чангига қараганда анчагина хавфли экан. Лондонда чоп этилаётган «Индепендиент» нашри профессор Вини Курана тадқиқотларига асосланиб шундай хабар тарқатди. Маълумотларга қараганда, мобил телефондан ўн йил давомида узлуксиз фойдаланиш мия саратонига қалинши эҳтимолини икки ҳисса орттираркан.

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИ — АМАЛДА

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИДА ЖАҲОН МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ КУНИГА ҲАМДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНING 60 ЙИЛЛИГИГА БАГИШЛАНГАН «ЎЗБЕКИСТОНДА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УШБУ ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ахборот воситаларини демократлаштиришнинг асосий йўналишлари мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни ривожлантириш истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти асосларини берпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисми бўлган оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда юртимизда самарали фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари учун мустақам ҳуқуқий база яра-

лислиги ва ҳаққонийлиги учун белгиланган тартибда масъулдир.

Ўзбекистонда жамоат, нодавлат ташкилотлари ва тузилмаларида ахборот хизматларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий, техник шарт-шароит яратилган бўлиб, улар ўз фаолиятларини самарали амалга оширмоқдалар.

Буларнинг барчаси юртимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлорлар бераётган юксак самаралардан дидир.

Т. БОТМИБЕКОВ,
Ўза мухбири

ЛОНДОНДА ЎЗБЕК ИПАГИНИНГ ЖИЛОСИ

ЛОНДОНДА ЖОЙЛАШГАН МАШХУР «ВИКТОРИЯ ВА АЛЬБЕРТ МУЗЕЙИ»ДА «РАУ КОЛЛЕКЦИЯСИДАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚАТИ» НОМЛИ КЎРГАЗМА БЎЛИБ ЎТДИ.

Экспозицияда британиялик таниқли коллекциячи Дорис Рау санъат тўпламидан ўрин олган кийим-кечак буюмлари ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари намойиш этилди. Ушбу коллекция дунёда ушбу турдаги энг йирик ва бой хусусий тўпламлардан бири ҳисобланади. Коллекция ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб унинг Марказий Осие мамлакатлари ва Афғонистонга амалга оширилган савфарида чопида тўпналган. Эътиборли томони шундаки, экспонатларнинг аксарияти XIX асрда Ўзбекистоннинг Бухоро, Хива ва Самарқанд каби тарихий шаҳарларида тайёрланган.

Кўргазма ташкилотчиси, «Виктория ва Альберт музейи»нинг Осие бўлими раҳбари Руби Кларкнинг сўзларига кўра, Лондонда сўнгги йигир-

ма йил давомида Марказий Осие иқати экспозицияси бундай кенг миқёсда ўтказилмаган эди. Унинг фикрича, «Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг ранг-баранг ипаклари ҳақиқий санъат асари бўлиб, ўз чиройи ва нафислигини асрлар давомида сақлаб келмоқда. Шу боис 1 миллиондан ортиқ киши ташриф буюрган мазкур кўргазма Буюк Британия аҳолиси ва меҳмонларига Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданияти билан яқиндан танишишга имкон берди».

иқат ишлаб чиқариш жараёни билан таништириш кунлари ҳамда турли семинарлар ташкил этилди.

Руби Кларк кўргазма иш натижаларига тўхталиб, жумладан кўйидагиларни қайд этди: «Бизнинг мақсадимиз бу каби ўзига хос маҳсулотларни улар билан илгари таниш бўлмаган юртимиз вакилларига намойиш этишдан иборат эди. Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлида жойлашгани бу ерда тўқимачиликнинг ривож топишига имкон берди. Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарлар аҳолиси Буюк Ипак йўлининг йўналишлари бўйлаб сотилган маҳсулотларни, жумладан иқати ишлаб чиқариш бўйича моҳир бўлганлар. Мазкур кўргазмада бу аjoyиб тўқимачилик маҳсулотларининг айрим намуналари ҳам намойиш этилди».

Кўргазмага ташриф буюрган кўплаб меҳмонларнинг фикрига кўра, унда тақдим этилган иқат нусхалари кўҳна ва хамиша жозибали Ўзбекистон дивернинг ўзига хос ёрқин ранглари жилосини акс эттирди.

«Жаҳон» АА

РЕСПУБЛИКА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИДА БУЮК СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД КЎНИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА БИР ҚАТОР ТАРИХЧИ ОЛИМЛАР, АМИР ТЕМУР ШАХСИНИ ЎРГАНАЁТГАН ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ҲАМДА МАКТАБНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА КУРСАНТЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

Анжуманлар

ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР ҲАМ КЕЛТИРИЛДИ

Илмий-амалий анжумани мактаб раҳбари, юридик фанлари доктори, генерал-майор М.Собиоров очар экан, буюк бобомизнинг дунё жамияти томонидан эътироф этилган хизматларини алоҳида таъкидлади. Айниқса, тарих фанлари доктори, академик Ахмадали Аскар, тарих фанлари номзоди Озода Раҳматуллаеванинг буюк жаҳоннинг улкан истеъдод соҳиби, ҳар бир соҳани мукаммал билувчи инсон эканлиги ҳақида янги маълумотлар асосида маърузалари йирилганларда катта таассурот қолдирди. Маърузачилар ўтган асрлар тарихчилари, сайёҳлари Амир Темурни кучли салоҳият эгаси, иккинчи уйғо-

ниш даври асосчиси деб таърифлашганини мисоллар ёрдамида келтириб ўтдилар. Мовароуннахр тахтига эзгу ниятлар билан ўтирган бобомизни Ибн Арабшоҳ «Учар юлдузани бошқарган инсон» дея таърифлаган экан. Илмий -амалий анжумандан сўнг 4-5 курс тингловчилари томонидан тайёрланган Амир Темурнинг Хиндистонга юриши олдидан ўтказган машварати акс этган сахна асари намойиш этилди. Саҳнада Амир Темур сиймосини жонлантирган мактабнинг 5-курс курсанти Фаррух Муҳамедовнинг ижроси барчага манзур бўлди.

Ўқтам ХОЛИҚОВ

КОРХОНАНИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА РАНГЛИ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ ВА ЧИҚИНДИЛАРИНИ ЙИГИШ ҲАМДА УЛАРДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 2006 ЙИЛ 18 ИЮЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «РАНГЛИ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ, ЧИҚИНДИЛАРИНИ ЙИГИШ, ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ БУ БОРАДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛМОҚДА.

Ушбу ҳужжатда рангли металл парчалари ва чиқиндиларини комплекс равишда қайта ишлаш, мазкур қувватларни модернизациялаш, юридик шахслар билан фойдочер шартномаларини тузиш ва темир-феррас ҳамда чиқиндилар топирилишини рағбатлантирувчи эркин нархлар бўйича ҳисоб-китоб қилишни ташкил этиш белгилаб берилди. Натижада рангли металл парчалари ва чиқиндилари тайёрлашнинг замон талабларига жавоб берадиган янги, самарали тизим шаклланди.

Ўтган йили беш минг олти юз тоннага яқин рангли металл парчалари ва чиқиндилари қайта ишланди. «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ошқ акциядорлик жамияти бош директори Мурод Салоҳидинов. — Бу, 2006 йилга нисбатан 11,6 фоизга кўпдир. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 2,8 баравар ошди.

Мис ва алюминий қотишмалари экспорти йил сайин кўпаймоқда. Жорий йилда ҳам маҳсулот тури ва сифатини янада ошириш борасида изланишлар олиб борилаётди.

Корхонада эскирган ускуналарни модернизация қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Заводнинг иккинчи цехидаги алюминий парчаларини қайта эритиш қозони янгиланди. Хориждан олиб келинган бу қозоннинг ишлаб чиқариш қуввати йилга ўн минг тонна ташкил этади. Унинг афзаллиги шундаки, эритиш учун сарфланадиган вақт, ёқилги ҳамда электр энергияси тежаллади.

Бугунги кунда «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ошқ акциядорлик жамиятида кўпбал турдаги ҳўжалик моллари ва автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йиллари Асакадаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган «Нексия» русумли автомо-

билъ учун ўнга яқин эҳтиёт қисм тайёрлаш ўзлаштирилди. Айни кунга қадар синовдан муваффақиятли ўтган бу маҳсулотлар маҳаллий ва хорижий мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

Жиззахдаги «ЎзЭсжайд» корхонасига аккумуляторлар учун ошмаёб етказиб бера бошлаган мазкур завод мутасаддилари маҳсулот турини кўпайтириш ва янги иш жойлари ошмиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. 2007 йили қасаначилик асосида элликдан ортиқ иш жойи яратилди. Тадбиркорлар билан ҳамкорликда чиқиндилардан пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Ёшлар йилида мазкур корхонанинг ёш ишчи-хизматчилари ҳар томонлама кўпбал-қувватланмоқда. Уларни қайта ўқитиш, тажрибасини бойитиш мақсадида ўқув базаси ташкил этилди. Кадрлар тарихини олий маъ-

лумотли ёш муҳандис-техник ходимлар билан мустаҳкамлашга ҳам жиддий эътибор берилаётди.

Корхонада ишлаб чиқариш, молия, тижорат ишларини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий усулларидан бири бўлган ISO 9001-2000 халқаро стандарти жорий этилган. Шунингдек, экология менежменти ISO 14001 ва санаят хавфсизлиги менежменти OHSAS 18001 стандартлари татбиқ этилди.

Соҳа ривожига қаратилган бундай эътибор ва кўрилаётган зарур чора-тадбирлар корхона экспорт салоҳиятини янада ошириш имконини бермоқда. Бугунги кунда маҳсулотлар Россия, Хитой, Германия, Канада, Болгария, Қозғистон каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Таъкидлаш жоиз, корхона нафақат мамлакатимиз ҳудудида йирилган рангли металл парчалари ва чиқиндиларини, балки қўшни мамлакатлардан келтириладиган шу турдаги маҳсулотларни ҳам қайта ишлаш қувватига эга. Буларнинг барчаси юртимизда мазкур тизим ривожига қаратилаётган эътибор самараларидандир.

Холмурод САЛИМОВ, Ўза муҳбири

Танловлар

ИСТЕЪМОД СОҲИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «БОЛАЛАР МУСИҚА МАКТАБЛАРИНИНГ МОДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ЁШ ИҚТИДОРЛИ ИЖРОЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ БЕРМОҚДА.

Дарҳақиқат, яратилган шарт-шароитлар тўғрисида бугунги кунда болалар мусиқа ва санъат мактабларида жуда кўп истеъодли ва иқтидорли ўқувчилар таҳсил олмақдалар. Яқинда Ёшлар йили муносабати билан «Туркистон» саройида бўлиб ўтган Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика кўрик танловининг шахар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бунинг яққол мисолидир.

Тошкент шахар ҳокимлиги, шахар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан уюштирилган тантанали тадбирда шахримиздаги барча мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда ота-оналар иштирок этдилар.

— Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика кўрик-танловининг шахар босқичи бир ой мобайнида давом этди,— дейди Тошкент шахар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси мутахассиси Дилором Мирсоҳидова. — Унда шахримиздаги 30 та мусиқа ва санъат мактабларидан 600 нафар ўқувчилар чанг, тор, дутор, рубоб, доира, гижжак, афгон рубоби, анъанавий ижро-

чилик ва хонандалик, баян, аккордеон, гитара асбоблари бўйича муваффақиятли иштирок этиб, ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Бугунги тантана ана шу ғолибларни тақдирлашга бағишланди. 100 дан ошқ истеъодли ёшларимиз эса совринли ўринларни эгаллаб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуслари ва ғамхўрликлари остида ёшларимизга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ишонимизки, бу имкониятлардан улар оқилона фойдаланиб, Ватанимиз тарқиқети ва шухратини янада ошириб борадилар. Зеро келажақ бугундан бошланади. Бизнинг бугунги-миз ҳам, эртағамиз ҳам шу иқтидорли ёшлардир. Биз улар билан ҳар доим ва ҳамма вақт фахрланиб юришни истаймиз...

Тақдирлаш маросимида 1, 21, 23-сонли мусиқа мактаблари «Энг намунали мактаб» деб эълон қилинди ҳамда диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Мазкур тадбирда 23-мусиқа мактаби ўқувчилари кўшиқ ва рақслари билан, 2, 3, 7-болалар санъат мусиқа мактаблари дилбар куй ва рақс дасталари, 20, 21- болалар мусиқа мактаби анъанавий чолғу дастаси, 1-сонли мусиқа мактаби ҳамда Х.Х.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежи қошида очилган мусиқа мактаби ўқувчилари яқка ижролари билан меҳмонлар олқишига сазовор бўлдилар.

Ғолибларни элимизнинг таниқли санъаткорлари, «Нихол» мукофоти совриндорлари Фирдавс Фаэлиддинов, Исроиил Саидумаров, Отабек Муталхўжаевлар табрик-лаб, ўз кўшиқлари билан ҳушнуд этдилар.



Шаҳар танловида биринчи ўринни эгаллаб республика танловига йўл олган ўқувчиларга тадбир иштирокчилари томонидан оқ йўл тиланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА. СУРАТЛАРДА: тақдирлаш маросимидан лавҳалар

хариб қилган. Ҳозирда сифатсиз чик-кан видеокамера бепул таъмирлаб берилган.

Шайхонтоҳур туманида яшовчи Ф.Умаров «Чорсу» буюм бозоридаги 372-сонли савдо дўконидан 175.000 сўмлик аёллар пальтосини харид қилган. Лекин кафолатни оқлай олмаган буюм сифатсиз чиққанлиги боис, унга кетган маблағ истеъмолчига қайтарилган.

Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси 35 «ВГ»-уй, 25-хонадонда истиқомат қилувчи Ш.Каримов кимёвий тозалаш маъмуриятига плашини тозалатиш юзасидан мурожаат қилган. Ҳозирда хизмат кўрсатиш жараёнида етказилган 100.000 сўмлик моддий зарар истеъмолчи фойдасига ҳал этилган.

Юнусобод тумани, 7-даҳа, 6-уй, 7-хонадонда яшовчи А.Теплоухова Навоий ярмаркасидаги «LG» савдо дўконидан 760 минг 500 сўмлик кир ювиши машинасини сотиб олган. Тегишли ташкилот аралашуви билан сифатсиз чиққан маҳсулот янғисига алмаштирилган.

Тошкент шахар истеъмолчилар ҳукуматини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади

Истеъмолчилар ҳуқуқлари – қонун ҳимоясида

МУАММОЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛМОҚДА

«ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ НАФАҚАТ ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ, БАЛКИ КИШИЛАР ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИغان ВОСИТАДИР», ДЕБ ЁЗАДИ ҚАДИМИЙ ДУНЁНИНГ ЙИРИК ДОНИШАМДИ СЕНЕКА. БИНОБАРИН, ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН ЯНГИ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ АСОСИЙ БИРЛИГИГА АЙЛАНДИ. ҚҮЙИДА ЭСА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲАМДА АСОСИЙ БОРАСИДА ЙЎЛ ҚҮЙИЛАЁТГАН АЙРИМ КАМЧИЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЮЗАСИДАН АММАГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР БИЛАН ТАНИШАСИЗ:

Сергели тумани, Сергели-1 даҳаси, 29-уй, 13-хонадонда истиқомат қилаётган О.Волошенко Навоий ярмаркасида жойлашган хусусий тадбиркор Т.Муллахоновга қарашли «LG» савдо дўконидан «LG» совутгинини 1 миллион 40 минг сўмга харид қилган. Аммо мазкур маҳсулот истеъмолчи томонидан ҳаракатга келтирилганида унинг сифатсиз эканлиги аниқланган. Ҳозирда совутгич савдо маъмурияти маблағи эвазига бепул таъмирланган.

Юнусобод тумани, О.Зоҳидов кўчаси 8-уй, 34-хонадонда яшовчи А.Ҳожи-ахмедов «Шахристон-сервис» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли уйда лифт ишламаётганилиги ҳусусида ариза билан мурожаат қилган. Тегишли ташкилот аралашуви билан лифтинг бир маромда ишлаши таъминланган.

қилувчи Ж.Муртазоев Навоий ярмаркасида жойлашган хусусий тадбиркор Б.Султонмуродовга тегишли савдо дўконидан «NOKIA-6230» уяли телефон аппаратурини 250.000 сўмга харид қилган. Лекин мазкур маҳсулот сифатсиз чиққанлиги сабабли харид учун сарфланган маблағ истеъмолчи фойдасига ундириб берилган.

Юнусобод тумани, 19-мавзеддаги «Нодирабегим» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Воҳидова «Файз» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 15-уйга сифатсиз коммунал хизматлар кўрсатилмаётгани юзасидан мурожаат қилган. Ҳозирда М.Улугбек туманлараро фуқаролик суди билан ҳамкорликда аризада кўрсатилган талаблар истеъмолчилар фойдасига қўриб чиқилмоқда.

«NOKIA-6585» уяли телефон аппаратурини «Чилонзор» метро бекати яқинида жойлашган устaxonага таъмирлатиш учун топширган. Аммо техник хизмат нотўғри кўрсатилгани боис, яросиё холга келиб қолган уяли телефон бошқасига алмаштириб берилган.

Мирзо Улугбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 21-уй, 41-хонадонда истиқомат қилувчи В.Плошников Навоий ярмаркасидаги хусусий тадбиркор И.Расулмухамедовга тегишли савдо дўконидан «NOKIA-73» уяли телефон аппаратурини 490.000 сўмга харид қилган. Бироқ маҳсулот сифатсиз чиққанлиги боис янғисига алмаштирилган.

Юнусобод тумани, Эгулик кўчаси, 9 «А»-уйда яшовчи Ш.Ҳақназаров Навоий ярмаркасида жойлашган хусусий тадбиркор Ш.Собиоровга қарашли савдо дўконидан 1 миллион 456 минг сўмлик «Панасоник» видеокамерасини

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● АҚШнинг космик тадқиқотлар маркази НАСА келажақда космосда никоҳ тўйи ўтказишни режалаштираётганини эълон қилди. Ўтказилган танловга кўра 23 ёшли Дилан Тейлор ва унинг қалиғи Херприт Матчерлар ғолиб бўлишди. Уларга ҳақиқий космонавтларга хос талаблар қўйилди ва ёшлар буларни юз фоиз кам-қўстисиз амалга оширдилар. Махсус курс учун уларнинг ҳар бири 100 минг доллардан пул тўлади. Коинотда ўтказиладиган тўй космик кемасининг учирлиши яқин кунларга мўлжалланди. Сайёрамиздан 60 миля баландликда ўтказиладиган ушбу гаройиб тантанани Британиянинг «Орзумандлар учун жаннат» деб номланган агентлиги уюштирмоқда.

● Англияда бильярд энг оммавий ўйинлардан бири ҳисобланади. Айтишларича, бу ерда бильярдни 300 йилдан буён ўйнашар экан. Албатта вақт бу қадимий ўйинга ҳам ўзгача янгиликларни киритган. Масалан, Кент деган шаҳарда жуда катта аквариум қурилган бўлиб, унинг ости бильярд ўйнаш учун махсус безатилган. Бу ерда ашаддий ўйинчилар билиб-билири билан ҳеч қаерда учрамайди мунҳида беллашишлари мумкин. Шу билан бирга улар жисмоний жиҳатдан пухта ҳозирланган бўлишлари керак. Чунки ўйинчилар оғир ақваланг кийиб ҳаракат қилишлари лозим.

● Стэмфорд университети ўқитувчиси Пенан Паттерсон ўн йил давомида иккита горилла билан машғул ўтказиб келмоқда. Како лақабли урғочи маймун яхши натижаларга эришяпти. У даярли мингга яқин сўзни тушунади ва уларни кар-қосовларга ўхшаб тушунтира олади. Мишель лақабли эркек маймуннинг эса сўз бойлиги анча камроқ. Шунини айтиш керакики, иккита горилла ҳам машғул давомида сурат чизишга қизиқиб қолган. Улар ҳатто унча катта бўлмаган суратлардан нусха ҳам кўчира оладилар.

● Бундан миллион йил илгари яшаган улкан ҳайвон — динозаврнинг излари Бразилиянинг Фараби штатида топилди. Бу ҳайвоннинг излари қотиб кетган ботқоқликни қазиб натижада аниқланди. Олимларнинг эътирофи этишларича из қолдирган динозаврнинг узунлиги 10 метр бўлиб, панжаларининг изларининг ва бошқа органларнинг қолдиқларидан унинг оғирлигини бемалол аниқлаш мумкин. Бразилиянинг «Вежа» журнали динозаврнинг Африкадан шимолий-шарққа томон келганлигини ёзади. Маълум бўлишича, юз миллион йил илгари Африка ва Жанубий Америка бир қитъа бўлган экан.

● Флорида штатининг илонқоналаридан бирида узунлиги 1 метрга яқин икки бошли сув илони бир неча йилдан бери сақлаб келинади. Яқинда бу илон уч ёшга тўлди. Кўп сонли сайёҳлар эътиборини қозongan ва илон захарини йиғиш билан шуғулланадиган бу илонқона икки бошли ноёб нусха илонни бир мактаб ўқувчисидан 50 долларга сотиб олган эди. Уша вақтда бу илонча ҳаммаси бўлиб, 15 сантиметр узунликда эди. У бир кўнда олти марта овқатланади. Ўз емишини излаётганда икки боши баравар ҳаракат қилади. Бироқ кузатувчилар баъзи бир вақтларда унинг чап боши кўпроқ фаол ҳаракат қилишини аниқладилар.

● Хиндистон ва Канада олимлари она сутининг аллергия касаллиқларига қарши курашувчи воситалардан бири эканлигини қайд қилишди. Чақалоқлар икки гуруҳга бўлиниб, уларнинг бири она сuti билан, иккинчиси эса сигир сuti билан боқилган. Организмдаги ўзгаришлар ўрганилиб борилар экан, она сuti эмган болаларнинг ҳаммаси бўлиб саккиз фоизи, сигир сuti эмган болаларнинг эса салкам 80 фоизи аллергия касаллиқларга учраши мумкинлиги тажрибаларда исботланди.

● Япон олимлари мамлакатда автомобиллар кўпайиши натижада диабет касаллиги ҳам кўпайганлигини қайд қилишди. Бу ҳаракатсизлик, яёв юрмаслик, юк кўтармаслик ва шу каби бошқа ишлардан озод бўлиш сабабли деб топилди. Мамлакатда вақти-вақти билан ёқилги танқислиги кучайиб, машиналарда юриш камайган пайларда диабет касаллигининг камайиши юқоридаги фикримизга далил бўлади. Япон шифокорлари ҳам фаол ҳаракат билан диабетнинг тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини кўп тажрибаларда исботлашди.

● АҚШлик муҳандис Эрик Реймонд ўзи ясаган «Сансикер» мотопланериди Калифорниядан Шимолий Каролинагача бўлган 6400 километр масофани бир неча марта дам олиб босиб ўтди. Реймонднинг жуда ҳам энгил учувчи аппаратига ҳеч қандай ёнилгининг кераги йўқ. Чунки у аппаратнинг устуни фотозэлектрик хусусиятига эга бўлган юпқа плёнка билан қопланган. Натижада кўёш энергияси ҳаво винтини ҳаракатга келтириб, учувчи аппарат юқорига осон кўтарилади. Маълум баландликдан кейин ҳаво винти тўхтатилиб, оддий планер каби ўз парвозини керакли йўналишда давом эттиради. Яъни ҳаво оқими уни ҳаракатлантиради. Фақат кўёш чиқиб турганда осмонга парвоз қилиш мумкин. Қўнишда кўёш энергиясининг кераги йўқ. Булутли шароитда ҳам бемалол ҳаракатсиз, кичик жойга ҳам қўна олади.

● Козогистоннинг Алматы шаҳрида яшовчи селекционер Пётр Коршунов товуқлар устиди олиб борган кўп йиллик селекция тажрибалари натижа-сида ушбу парранданинг янги турини яратди. Бу товуқлар қишин-ёзган ҳам туҳум қилади ва уларнинг, туҳуми думалоқ бўлмай, квадрат шаклидадир. Квадрат туҳумда оддий туҳумдаги барча хусусиятлар бор. Бу туҳумнинг пўстлоғи анча қалинроқ. Уни яшиқларга жойлаш, автоматлаштириш жуда ҳам қулай, йўл ва транспорт ҳаракатларини сезиларли даражада камайтиради. Бирор жойга элтиш пайтида синмайди, ҳар ҳолда сингани жуда кам бўлади. АҚШлик паррандачилик мутахассислари бу туҳумни бажонидил сотиб олишга рози. Чунки улар бу туҳумдан янги жўжалар очиб, ўзларида кўпайтириш тараддугида тушиб қолиши.

● Яқинда Японияда аjoyиб ошқитқалар чиқарила бошланди. Уларга қоғоз қалинлигидаги юпқа электр батареяка қистрилган бўлиб, табрикномани очиб билан ёзилган сўзларнинг таралаб туришини кўриш мумкин. Бундай «қоғоз» батареялардан унча кўп электр энергияси талаб қилинмайдиган асбобларда — калькулятор, соат ва фотоаппаратларда фойдаланиш мумкин. Унинг афзаллик томони шундаки, батареякани хоҳлаган шаклда ўзгартириб турли конструкцияларга мослаш мумкин.

“ЖАНУБИЙ КОРЕЯ АҲОЛИСИ 1964 ЙИЛДА ТОКИОДА ЎТКАЗИЛГАН ҲАМ ЯПОНИЯГА ҚАНЧАЛИК БЕБАҲО НАФ КЕЛТИРГАН БЎЛСА, СЕУЛДАГИ XXIV ОЛИМПИАДА ҲАМ УЛАРНИНГ МАМЛАКАТИГА ШУНЧАЛИК ФОЙДАЛИ БЎЛИШИДАН УМИДВОРЛАР”

1988 йилда жаҳоннинг кўпгина оммавий ахборот воситаларида шу тахлитдаги фикрларга дуч келиш мумкин эди. Ҳақиқатан ҳам Корея Республикаси Эзги Олимпиада уйинлари мезбонлигига ўз пойтахти номзодини курсатар экан, жаҳон спортининг бу байрами Осиёдаги қўшничи нуфузидан янада юксакликка кўтарганини, иктисодиёти ривожланишини жадаллаштиришга ижобий таъсирини ҳисобга олган эди, албатта. Аслини олганда жаҳоний корейликлар Халқаро Олимпия Кўмитаси Сеул фойдасига қарор чиқаришига тўла-тўқис ишонмас ҳам эдилар. Олимпиада пойтахти бўлиш учун олиб борилган таърибот ҳеч бўлмаганда Сеулнинг Осиё уйинлари мезбонлиги қилиш нияти амалга оширишга қўмақлашди, деб ҳисоблардилар.

Кўпинча бўлганидек, ХОК қўтилмаганда Жанубий Корея номзодини ёқлаб чиқди. Бундай дейишимизга сабаб аввалги — Москва ва Лос-Анжелес Олимпиадаларида икки қарама-қарши тузумга тааллуқли мамлакатлар бир-бирлари шаҳарларидаги Уйинларни бойкот қилиш сўбатини амалга оширганликларини ҳеч ким унутмаганлигидан эди. Бу сафар ҳам Халқаро Олимпия Кўмитаси ўз қарорини эълон қилиши билан Корея Халқ Демократик Республикаси ва Куба миллий олимпия кўмиталари ХОҚқа уни бекор қилиш талабини билдирдилар. Бунинг устига 1983 йилда собиқ иттифок худудига Жанубий Корея йўловчи самолётининг уриб туширилиши бу икки давлат ўртасидаги муносабатларни ниҳоятда кескинлаштириб юборди. Жаҳондаги ўттизга яқин давлатнинг Корея Республикаси билан дипломатик алоқалари йўқлиги ҳам кўшимча муаммоларни келтириб чиқарганди.

Халқаро Олимпия Кўмитаси бундай вазиятда ўз қарори узил-кесил эканлигини қатъий баён этди. “Ийгирига тўртинчи Олимпиада уйинлари 8 сентябрда ўтказилади, 6 умуман ўтказилмайди”, деб баёнот берди ХОК Президенти Хуан Антонио Самаранч.



Суратда: XXIV Олимпиада уйинлари плакати.

Сеул эса Халқаро Олимпия Кўмитасининг бундай қўллаб-қувватлашига таяниб, Олимпиада уйинларини энг юксак даражада ўтказиш учун мисли қўрилмаган саяё-ҳаракатларни бошлаб юборди. Олимпиада ҳеч бир муболагасиз ҳар бир Жанубий корейликнинг шон-шараф иши, фахри ва гурӯрига айланди. Бунда гап мезбонларнинг Уйинларни ўтказиш учун рекорд микдорда — 3 миллиард АҚШ доллари сарф қилганликлари тўғрисидагина кетаётгани йўқ.

Энг аввало мамлакатда аҳоли Олимпиадани ўтказиш вақтида ўзини қандай тутиши лозимлиги тўғрисида жуда муқаммал дастур ишлаб чиқилди. Уйинлар бошлангунга қадар етти йил (!) давомида мамлакатдаги барча кинотеатрларда фильмлар намойиш этилиши олдиндан ана шу тартиб-қоидалар батафсил баён қилинган реклама ролиги кўрсатилиши шарт қилиб қўйилди. Жанубий корейликлар бу даврда том маънода телевидение ва радио орқали ҳеч бир истисносиз узлуксиз бериб бориладиган “Табассум қилинг!”, “Хушмуомала бўлинг!”, “Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этинг!”, “Озодалиқни сақланг!”, “Инглиз тилини ўрганинг!” каби сўзлар билан уйкуга кетиб, шу сўзлар билан уйғордилар.

Корея Республикаси пойтахтида энг замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Биргина олимпия қишлоғида 122 та — опти қаватлидан йигирма тўрт қаватлигача қўрқам бинолар барпо қилинди. Амалда бу қишлоқ иккита — спортчилар, улар устозлари, расмий шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари мўлжалланган турар жойлар, шунингдек тиббиёт муассасалари, маданий марказ ва бошқа ижтимоий-қўнғилочар бинолардан ташкил топган эди.

Мислсиз саяё-ҳаракатлар ўз самарасини кўрсатмай қолмади, албатта. Сеул Олимпиадасида 8645 спортчи, шу жумладан 2185 аёл иштирок этганлиги аякка ягона рекорд эмасди. Мамлакат ҳукумати Уйинлар вақтида хавфсизлиқни таъминлаш учун 120 минг нафардан кўпроқ ҳуқуқ-тартибот ходимларини жалб этганлиги, мусобақаларни 20 мингдан кўпроқ журнал-

лист ёритиб борганлиги, Олимпиадани дунёнинг 139 мамлакатидан 3 миллиарддан ортиқ спорт иқтисомчилари томоша қилганликлари ҳам ҳали тарихда бўлмаган эди.

XXIV Олимпиада уйинларининг 17 сентябрдаги тантанали очилиш маросими ҳам ўзгача бўлди. Даставвал бу ердаги Ханган дарёсида сув байрами ўтказилди. Турли даврларга мансуб бўлган, шунга мувофиқ антика безатилган 458 та кема ва кайиқларнинг дарё узра сузиши тарих саҳифаларини жонлантириб, бетакорор манзара касб этди. Сеулдаги стадионда Олимпиада уйинлари тантанали очилишига бағишланган театрлаштирилган томошада 13 минг нафардан кўпроқ артистлар ва спортчилар иштирок этдилар. Уйинлар машъаласини ёқиш шарафи Жанубий Кореянинг уч иқтидорли спортчиси — Сун Ман Чун, Вон Так Ким ва Мин Сонга берилди.

Йигирма тўртинчи Олимпиада уйинларининг спорт натижалари ҳам ажойиб бўлди. Бу ерда 104 та олимпия, шу жумладан 30 та жаҳон рекорди ўрнатилганлиги худди шундан далолат берди.

Америка Кўшма Штати энгил атлетикачиси Флоренс Гриффит Жойнер Сеул Олимпиадасида ҳайратомуз натижалар

Олимпиада: биринчидан йигирма туққизинчигача шавкат ва фахр

кўрсатди. У аёллар ўртасида 100 ва 200 метрга югуриш, 4x100 метрга эстафетада олтин, 4x400 метрга эстафетада кумуш медаллар билан тақдирланибгина қолмасдан, бу қисқа масофаларда ҳали қайд этилмаган тезлик ҳам кўрсатди. Хусусан, унинг 100 метрни 10,54 ва 200 метрни 21,34 сонияда босиб ўтиши спорт мухлисларини ҳам, мутахассисларини ҳам ларазага солди.

Флоренс етти ёшиданок энгил атлетика билан шуғуллана бошлаган, 1984 йилда Лос-Анжелес Олимпиадасида 200 метрга югуришда кумуш медал соғиндириб бўлган эди. Сеулдаги Уйинлардан сўнг эса у “дунёдаги энг тез чопар аёл” таърифига сазовор бўлди.

Олис масофаларга югуришда эса Кения энгил атлетикачилари катта шов-шувларга сабаб бўлдилар. Улардан Пол Эренг 800, Питер Ронно 1500, Жулиус Кабуири 300, Жон Нугли 5000 метрга югуришда марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтган бўлсалар, Дуглас Вакииури марафонда кумуш медал соғиндириб бўлди.

Собиқ Германия Демократик Республикасидадан Кристиан Отто эса, ҳеч шубҳасиз, Сеул Олимпиадасининг қаҳрамонидир. У аёллар ўртасида 50 метрга эркин, 100 метрга эркин, чалқанча ва баттерфляй усулида сузишда ҳамда 4x100 метрга эркин ва 4x100 метрга аралаш усулда эстафетада олтин (!) олтин медални қўлга киритди. Жанубий Корея оммавий ахборот воситалари унга ўзлари таъсис этган “Энг буюк спортчи” мукофотларини ҳам топширдилар.

Руминиялик Даниель Силиван ҳам бешта — учта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритиб, бу мамлакат аёл гимнастикачиларининг шонли аънаваларини давом эттирди. Эракк гимнастикачилар ўртасида собиқ иттифокдан Владимир Артемов тўртта олтин ва битта кумуш, Дмитрий Билосерчев иккита олтин ва битта бронза, Валерий Люкин иккита олтин медал билан тақдирландилар.

Венгриялик олимпиадачилардан Т. Дарньи 200 ва 400 метрга комплекс сузишда, Ж. Дьюлаш эшак аэишда қозонган ғалабалари шарафига икки мартадан улар давлатлари байроқлари кўтарилди ва мадҳиялари ижро этилди.

Германия Федератив Республикаси қиличбозлари тўртта, от спорти чавандозлари ҳам шунча олтин медални қўлга киритдилар. Сеул Олимпиадасида иштирок этган Ўзбекистон вакиллари иккита олтин, иккита кумуш ва битта бронза медал соҳиб бўлдилар. Эркин кураш бўйича 68 килограмм вазили спортчилар билан беллашган Арсен Фадзаев мезбонлар вакили Парк Янг Сун, Америка Кўшма Штатидан Натаньел Карр, Япониядан Косей Акаси, Канададан Дэвид Мак-Кей, Финляндиядан Юкка Раухала каби кучли полвонлардан усунлигини ишонарли исботлай олди. Арсен Фадзаев эркин кураш бўйича 1983-1988 йиллардаги олти карра жаҳон, 1983 ва 1984 йиллардаги Европа чемпиони ҳамдир.

Ўзбекистонлик Махарбек Хадарцев ҳам эркин кураш бўйича 90 килограмм вазили спортчилар ўртасида Олимпиада чемпиони бўлди. У бу шарафли унвонни Япониянинг Акира Ота, Корея Республи-

касининг Ким Тае Ву, Венгриянинг Табор Тот, АҚШнинг Жеймс Шерр, Болгариянинг Румен Алабаковдек номдор спортчилари билан кескин курашда қўлга киритди. Махарбек Хадарцев эркин кураш бўйича 1992 йилги Олимпиада ҳамда 1988-1992 йиллардаги беш карра жаҳон ва тўрт карра Европа чемпиони.

Тошкент тиббиёт институти талабаси, ўн тўртинчи Бутунжаҳон студентлар уйинлари қолиби Родион Гатаулин Сеулда лангар чўп билан баландликка сакраш бўйича мусобақаларда иштирок этиб, 5 метр 85 сантиметрлик маррани забт этди. Бу унга Олимпиада уйинларининг кумуш медалини келтирди. Афсуски, Родион Гатаулин Корея Республикасида ўз шахсий рекорди — 5 метр 95 сантиметрлик баландликни забт эта олмади. Шу сабабли олтин медалга 5 метр 90 сантиметр баландликка сакраган, кейинчалик мисли қўрилмаган жаҳон рекордлари билан ҳаммани қойил қолдирган афсонавий энгил атлетикачи Сергей Бубкага насиб этди.

Оғир атлетика бўйича мусобақаларда 90 килограмм вазилилар ўртасида беллашган яна бир ўзбекистонлик Найль Мухамедьяров қўшурашда 400 килограмм натижа

кўрсатиб, иккинчи ўринни олди. Икки машаққат 412, 5 килограмм натижа кўрсатган унинг жамоадoshi Анатолий Хралатий Олимпиада чемпиони бўлди.

Сузиш бўйича мусобақаларнинг 4x100 метрга аралаш эстафетасида иштирок этган Тошкент жисмоний тарбия институтининг талабаси, икки карра Европа чемпиони, “Универсиада — 83” қолиби Сергей Заболотнов йигирма тўртинчи Олимпиада уйинларида бронза медали билан тақдирланди. Ўзбекистонлик олимпиадани 100 ва 200 метрга чалқанча сузиш бўйича шахсий биринчиликда эса маррага тўртинчи бўлиб келди.

Тошкентлик Олимпиада уйинларининг кумуш соғиндириган унинг қамончи Наталья Бутузова Корея Республикасида украинлик Людмила Аржанникова ва Татьяна Мунтян билан бирга жамоа биринчилигида тўртинчи ўринни эгаллади. Яна бир тошкентлик Анатолий Танков от спорти бўйича собиқ иттифок олимпия терма жамоаси сафига киритилган эди. Анджоннинг “Звезда” жамоасидан Игорь Давидов, Фаргонанинг “Химик”дан Николай Санковц ҳам чим устида хоккей бўйича совет олимпия терма жамоаси сафига Сеул мусобақаларида қатнашди.

Сеул Олимпиадаси мусобақалари дастурига спортнинг яна бир қанча турлари киритилди. Улардан бири катта теннис эди. Маълумки, теннис бейсбол, регби каби олимпия хартиясида белгиланган ҳаваскорлар спорт мақоми талабларига жавоб бермаётганлиги сабабли 1924 йилда Олимпиада уйинлари дастуридан чиқарилган эди.

Замонавий олимпия ҳаракати асосчиси Пьер де Кубертен, унинг издошлари, ХОК Президентлари Анри де Байе-Латур, Юханнес Зигфрид Эдстрем, Эйвери Брэн-

деж ва бошқалар спорт профессионал фаолият тури бўлиши мумкин эмас, деган фикрларида қатъий эдилар. Хусусан, Эйвери Брэндеж ва унинг тарафдорлари ХОКнинг 1962 йилги сессиясида олимпия хартиясида “26 қоида” номини олган ўзгартриш киритдилар. Бу қоидаларда “хаваскор спортчи” мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Унга мувофиқ хаваскор спортчи мақоми бузганлик, жумладан рекламада иштирок этганлик учун жазо чораларини қўллаш кўзда тутилган эди.

Бирок давр бу қоидаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Чунки бу пайтда хаваскор ва профессионал спортчи ўртасидаги фарқни аниқлаш қийинлашиб кетган эди. ХОКнинг 1985 йилги сессиясида Олимпиадада иштирок этаётган барча мамлакатлар спортчилари баб-баравар шароитда мусобақалашувлари учун профессионал спортчиларга ҳам Уйинларда иштирок этишга рухсат бериш масаласи муҳокамага қўйилди. Лекин бунга миллий олимпия кўмиталари, халқаро спорт федерациялари қарши чиққанлиги сабабли биринчи сафар бу масала очик қолди. Аммо Халқаро Олимпия Кўмитасининг 1986 йилги 91-сессиясида профессионал спортчиларга баъзи ёш чеклашлари билан Олимпиада уйинларининг футбол, хоккей, от спорти,

енгил атлетика мусобақаларида иштирок этишларига ижозат берилди. ХОКнинг 1987 йилги 92-сессиясида бундай ҳуқуқ профессионал теннисчиларга, 1990 йилги 95-сессиясида эса профессионал баскетболчиларга ҳам берилди.

Сеул Олимпиадасида катта теннис мусобақаларининг шахсий биринчилигида эркаклар ўртасида чехословакиялик Милослав Мечир, аёллар ўртасида эса ГФРлик Штеффи Граф, жамоа биринчилигида эркаклар ва аёллар ўртасида ҳам АҚШ теннисчилари қолиб чиқдилар. Уйинлар дастурига дастлабки марта киритилган стол тенниси бўйича беллашувларда олтин медаллари Жанубий Корея ва Хитой спортчилари бўлишиб олдилар.

Футбол бўйича олимпия турнирида биринчи марта Испания “чарм тўп” усталари қолиб чиқдилар. Улар финалда Польша олимпия терма жамоасини 3:2 ҳисобда мағлубиятга учратдилар.

Йигирма тўртинчи Олимпиада уйинларида мезбонларнинг ўта муваффақиятли иштироки ҳам қўтилмаган воқеа бўлди. Улар стол теннисидан ташқари қамондан отиш, дзюдо, бокс, эркин ва юнор-рум кураши мусобақаларида ҳам қолиблар каторидан ўрин олиб, жами 11 та олтин медални қўлга киритдилар. Бу билан норасмий умумжамоа ҳисобида Германия Федератив Республикаси, Буюк Британия, Хитой Халқ Республикаси каби энг кучли олимпия терма жамоаларини ҳам ортда қолдириб, тўртинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Биринчи ўринни эса, одатдагидек, 874, 3 очко ва 132 та (55 та олтин, 31 та кумуш ва 46 та бронза) медални қўлга киритган собиқ иттифок жамоаси эгаллади. Бу олий ишонлар орасида финалда бразилияликларни 2:1 ҳисобда мағлубиятга учратиб, ўттиз икки йилдан сўнг Олимпиада чемпиони бўлган совет футболчиларининг олтин медаллари алоҳида салмоққа эгадир. Норасмий умумжамоа ҳисобида собиқ ГДР спортчилари иккинчи, АҚШ — учинчи ўринни олди.

Сеул Олимпиадаси спортчиларнинг ўз кўрсаткичларини ошириш учун ман этилган воситаларни ишлатётганликларни жиддий муаммага айланётганлигини ошқор этди. Допингга фойдаланганлик учун Болгария оғир атлетикачилари Олимпиада уйинларини тарқ этишга мажбур бўлдилар.

Канаданинг Калгари шаҳри номзодини еттинчи марта кўрсатганидан кейингина XV Қишки Олимпиада уйинлари мезбони



Суратда: чангида трамплиндан сакраш бўйича тўрт карра Олимпиада чемпиони фин Матти Нюкянен.

бўлиш ҳуқуқини қўлга киритди. 1988 йил 13-28 февраль кунлари бўлиб ўтган бу “Оқ Олимпиада”га 87 мамлакатдан 1634 спортчи, шу жумладан 364 аёл келди. Улар мусобақалар дастурига тоғ чанги спорти, чанги поёғиси ва конькида югуриш каби янги турлар киритилганлиги сабабли 46 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар. Жумладан, эркаклар ўртасидаги мусобақалар қолибларига ўн спорт турида 28, аёлларда эса — беш спорт турида 16 та медаллар жамланмаси топширилди.

Калгарида фин Матти Нюкянен 70 ва 90 метри трамплиндан чангида сакрашда шахсий ва жамоа биринчиликларида учта олтин медалга сазовор бўлди. Улар каторига спортчининг 1984 йилги Қишки Олимпиададаги 90 метр трамплиндан чангида сакрашдаги олтин медалини ҳам қўшиб қўйиш керак бўлди.

Швед Свен Томас Густафссон эркаклар ўртасида конькида 5000 ва 10000 метрга югуришда қўш олтин медаллик бўлган бўлса, голландиялик Явонне ван Геннингга аёллар ўртасида спортнинг бу турида 1500, 3000 ва 5000 метр масофада бас келадиганлар топилмади.

Чанги спортида эса удмуртиялик Тамара Тихонова 20 километрга пойгада ва 4x5 километрга эстафетада Олимпиада чемпиони бўлди, 5 километрга пойгада кумуш медал билан тақдирланди. Калгарида қўш олтин медал соҳиблари арасида собиқ ГДРлик биатлончи Франк Петре Рег, швейцариялик тоғ чанги спортчиси Френи Шнайдерлар ҳам бор.

Қишки Олимпиадада ҳам собиқ иттифок спортчилари норасмий умумжамоа ҳисобида пешқадамлик қилдилар. Улар ҳисобида 204, 5 очко ва 29 та (11 та олтин, 9 тадан кумуш ва бронза) медал бор эди. ГДР иккинчи, Швейцария эса учинчи ўринни олди.

Эркин ЭРНАЗАРОВ

ЯНГИ НОМЛАР

Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси мажлиси қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан Тошкент шаҳридаги Халқлар Ҳўстлиги саройи номи ўрнига янги «ИСТИҚЛОЛ» САҢЪАТ САРОЙИ номи берилди.

Саъят

ЮБИЛЕЙ КОНЦЕРТИ

«САҢЪАТ ҒУНЧАЛАРИ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҚОЛИБЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН КАТТА КОНЦЕРТ ДАСТУРИ ЮБИЛЕЙ ТОМОШАСИ СИФАТИДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ. ГАП ШУНДАКИ, «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ ТОМОНИДАН ЁШ МУСИҚАЧИЛАР ЎРТАСИДА ИСТЕЪДОД ЭЪГАЛАРИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИБ КЕЛИНАЁТГАН «САҢЪАТ ҒУНЧАЛАРИ» БЕЛЛАШУВИ БОШЛАНГАНГА ЎН ЙИЛ ТЎЛДИ.

Ўтган давр мобайнида 50 нафардан ортиқ ёш ижрочилар қолиблиқни қўлга киритиб, саъят даргоҳига кириб келди. Танловнинг ўн йиллик санасига бағишлаб махсус уюштирилган концертда янграган скрипка, виолончель, фортепьяно йўналишларига доир муסיқалар мухлисларни хурсанд қилди.

АНСАМБЛГА ФАХРЛИ НОМ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН «ҚАЛДИРҒОЧ» АНСАМБЛИГА «НАМУНАЛИ БАДИИЙ ЖАМОА» ДЕГАН ФАХРЛИ НОМ БЕРИЛДИ. ТОШКЕНТДАГИ АВИАСОЗЛАР МАДАНИЙ САРОЙИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛАЁТГАН БУ АНСАМБЛ ЯҚИНДА ЎЗИНИНГ 15-ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАДИ.

Бу орада ижодий жамоа томошабинларни қўллаб-қўллаб дастурлари билан манмун этди. Шу билан бирга истеъдодлар янги, чиройли рақс либослари билан таъминланди. Ансамбл репертуаридан ўрин олган ўнга яқин тароналар гастрол дастурлари орқали намойиш қилинди. Ҳозир «Қалди-рғоч»чилар янги томоша дастурини мухлисларга тақдим этиш тараддудини кўрмоқда.

МАРКАЗ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

«ЯНГИ АВЛОД ФОРУМИ» БОЛАЛАР ИЖОДИ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА БИР ЙИЛДАН ОШДИ. «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙТИ ВА САҢЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМФАРМАСИ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН ЮЗАГА КЕЛГАН БУ ИЖОДИЙ ЖАМОА КЎПЛАБ ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР УЧУН МАҲОРАТ ДАРҒОҲИГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.

Ўзбекистон — XXI аср болалари» номи ҳужжатли фильм ҳам яратилди. Унда марказнинг буғунги кенг қўламли фаолияти ўз аксини топди. Мазкур экран асари турли саъят даргоҳларида ҳам намойиш қилинмоқда.

«УРАШИМА ТАРО» БАЛЕТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ ЎЗИНИНГ ЯПОНИЯГА ГАСТРОЛИГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРДИ. БУ ГАЛГИ ИЖОДИЙ САФАР УЧУН ТЕАТРИНИНГ БАЛЕТ ГУРУҲИ «УРАШИМА ТАРО» ДЕБ НОМЛАНГАН СПЕКТАКЛИНИ ҲОЗИРЛАДИ.

Гап шундаки, мазкур саъят қошониси билан кунчиқар мамлакатдаги «Тойота-сити балет» компанияси ўртасида алоқа ўрнатилганига ўн йил бўлди. Бу орада ўзаро ҳамкорликда қатор постановкалар амалга оширилди. «Урашима таро» балети эса япон халқ эпоси асосида юзага келди. Ўзбекистон халқ артисти бош балетмейстер Иброҳим Юсупов томонидан саҳналаштирилган янги спектаклга таниқли композитор Феликс Янов-Яновский ёқимли муסיқа яратди.

Ақбар АЛИЕВ

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛИДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИДА «ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда Республика бош прокуратураси, Адлия вазирилик ходимлари, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда магистр талабалар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, либераллаштириш ҳаёрида вояга етмаган болаларга нисбатан миллий ҳуқуқий қонунчиликни халқаро нормалар асосида ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, шу соҳага иктисослашган билим маскани талаба ва профессор-ўқитувчилари, ҳамкор ташкилот ва идоралар мутахассислари билан бирга «Ёшлар йили»да ёшларга оид қонунчилик базасини қайта ташкил этишга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқиб, уларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталарига тақдим этаётир.

Учрашувда таъкидланишича, вояга етмаган болалар катталардан фарқли ўлароқ аксарият ҳолларда ўз хатти-ҳаракатларининг асл мохиятини тўлиқ англаб етмаган ҳолда жиноят содир этади. Шу боис, вояга етмаганлар ишларини юритиш тартибига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Улар ўртасида тарбиявий аҳамията молик тадбирларни ташкил этиш, оғоҳлантириш усуллари билан йўл-йўриқлар кўрсатиш ўзининг ижобий самарасини бериши алоҳида эътибор этилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг эртанги куни эгалари бўлган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш учун бундай тадбирларнинг аҳамияти беқиёс.

«Туркистон-пресс»

ЯНГИ НАШР ТАҚДИМОТИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА «ЎЗБЕКИСТОННИНГ САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИ» НАШРИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда юртимизнинг турли вазирилик ва идоралари, халқаро ташкилотлар, компания ва фирмалар, юртимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, «Узинфонвест» агентлиги директори Б.Ирматов мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун яратилган қўлай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар чет эл фирма ва компанияларининг Ўзбекистонга қизиқишини тобора ошираётганини алоҳида таъкидладилар. Бу эса юртимиз иктисодиётининг изчил ривожланишига ва халқаро ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аянлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни муқарраштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, 2007 йил давомида иқтисодиётимизга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 23 фоизга ортди ва 4,3 миллиард доллардан зиёд микдордаги маблағни ташкил этди.

Улаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58 фоизга ортди. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар эканини қайд этиш лозим. Инвестиция дастури доирасида 2007 йилда 300 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилди.

«Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти» наشري Ўзбеки-

стон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилик, Савдо-саноат палатаси, «Узинфонвест» агентлиги, БМТ Ривожланиш дастури, Халқаро савдо палатаси ҳамда Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференцияси ҳамкорлигида тайёрланди.

Мазкур нашрда мамлакатимизнинг сўнгги



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ АБУ АБДУЛЛО РУДАКИЙ ХИКМАТЛАР

Замондан йўқ ажабланмоққа ҳожат, Ёгилса бошимизга барқу офат.

Васлинг тунни мени қилди бахтиёр, Наврўз куни эмас бунчалик дилдор.

Тўғри, равон йўлдан ташлагил қадам, Эгри, мушкул йўлдан юрма сира ҳам.

Мол-дунё тоқдим деб ҳаволанма, бас, Сендайларни фалак кам кўрган эмас.

Дунё асли шундай — шу йўлдан кетар, Яхши-ёмонлигинг хабарин этар.

Ҳаётда тажриба орттирсанг агар, Бошқа иш тушадан кунингга ярар.

Бадбахтлик ўтидан душманнинг юзи Тундай қора бўлди куппа-кундузи.

Ҳаётда кўп кўрдик, қилдик сарҳисоб: Майни дўст тутганлар бўлдилар хароб.

Сенинг қалбингга ҳам ишқ бўлар меҳмон, Менинг устимдан кўп кулма, эй жонон.

Агар яхши кишининг ёмон бўлса боласи, Гуноҳқордир ўзи ҳам, беҳуда оқ-ноласи.

Душманинг сахродай қуриб-қақшасин, Дўстларинг самодай порлаб-яшнасин!

Бахтинг қулиб, бўлсин яхши кунлар ёр, Давлатинг юксалсин, душман бўлсин хор.

Одамлар дунёга келурлар аламга, Чидаб умр ўтказар дарду аламга.

Паст киши нонидан қўлимни тортидим, Майли, очлик юкин елкамга ортдим.

Еб-ичишдан ортар ранжу машаққат, Ўзини тийганга ёр бўлар давлат.

Ҳар куни оз-оздан ишласа киши, Бир куни сўнгига етгуси иши.

Гапирган гапдан кўп бўлдим пушаймон, Гапирмаган гапдан ҳамиша шодмон.

Илмдан ортик ганж йўқдир дунёда, Уни эгалласанг, умринг зиёда.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 16 май куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига

КУЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ КЎЙИЛМОҚДА:

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 4 февралдаги 1768/15-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар ИИББ оморидида сақланаётган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 U1191 бўлган, «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7.000 000 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатига мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридида зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р. 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пуллари қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишнинг мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 238-69-94, 238-69-93. Лицензия DB001-000010.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕАТРИ САНКТ-ПЕТЕРБУРГДАГИ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИДА МДХ ВА БОЛТИҚ БЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ РУС ТЕАТРАРИНИНГ «РОССИЯДАГИ УЧРАШУВЛАР» ҲАМДА ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ.

Ҳаётда давомиди Санкт-Петербург аҳолиси Озарбойжон, Арманистон, Беларус, Литва, Эстония, Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан келган рус театрлари, шунингдек фестивал меҳмонлари — Дания, Исроил ва Франциядан ташриф буюрган театр жамоаларининг янги сахна асарларини томоша қилиш имкониятига эга бўлади.

Фестиваль иштирокчилари ва томошабинлари Нева соҳилларида Ўзбекистон Ёшлар театри ташкил тоналанинг саксон йиллигини ҳам нишонлайдилар. Махсус дастур доирасида Ўзбекистон Ёшлар театри бош режиссёри Наби Абдураҳмонов томонидан «Болтиқ уйи» халқаро фестивал марказида сахналаштирилган «Насриддин.LOVE.RU»

спектакли премьераси бўлиб ўтади. Н.Абдураҳмонов шогирдлари «Содом ва Гоморра-XXI» ва «Зўраки табиб» номли иккита янги сахна асарларини намойиш этади. Мазкур асарлар юртимиз театр жамоасининг Мольер пьесалари бўйича яратган спектакллари-нинг узвий давоми ҳисобланади.

«Болтиқ уйи» халқаро фестивал марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этиладиган республикамиз халқ амалии санъати усталарининг махсулотлари кўргазмаси ҳам очилади.

Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА муҳбири Москва

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида

МУВАФФАҚИЯТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ 11-БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБИ 1976 ЙИЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, ЮНОН-РУМ КУРАШИ, ДЗЮ-ДО, ВТФ ТАЭКВАНДО, ТУРОН ЯККАКУРАШИ, МИЛЛИЙ ВА БЕЛБОҒЛИ КУРАШ КАБИ ОЛТИТА СПОРТ ЯККАКУРАШИ БЎЙИЧА СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ИХТИСОСЛАШГАН.

Спорт мактаби тарбияланувчиларининг натижаларига тўхталадиган бўлсак масалан, «Умид ниҳоллари» мусобақалари бошланғичидан буён—2002 йилдан бошлаб БЎСМ-11 жамоаси шаҳар босқичи мусобақаларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу муваффақиятларда Рустам Маматқулов, Мансур Маматқулов, Дилмурод Турсунов, Илком Каримовларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Бундан ташқари турон яккакураши ва ВТФ таэквондо бўлимлари ўқувчилари шаҳар ҳамда республика миқёсидаги мусобақалар, халқаро турнирларда доимий ра-

вишда голиб ва совриндорлар сарфидан ўрин олиб келишади. Чунки ВТФ таэквондо бўйича Сардор Наврўзов, Юрий Ли, Фотима Алимовалар Ўзбекистон чемпиони бўлишса, Акмал Жабборов турон яккакураши бўйича шундай муваффақиятга эришган.

Абдумурод Воҳобов турон бўйича Осиё чемпионатининг бронза нишонини кўлга киритган. Утган 2006-2007 йиллар давомида 11-БЎСМ ўқувчиларидан 38 нафари I катталар тоифаси талабларини бажарган, 68 нафар тарбияланувчиларга кўрсатган натижалари учун спорт усталигига номзод

тоифасига эга бўлган бўлса, 2 та ўқувчи спорт устаси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Албатта, 11-БЎСМнинг бундай ютуқларга эришишида кураш бўлими бош мураббийси Улугбек Раҳмонов, ВТФ таэквондо бўлими бош мураббийси Дмитрий Ким, ВТФ таэквондо бўлими мураббийси Иван Хаодосовларнинг ҳиссалари каттадир.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: Сергели туманидаги 11-БЎСМ фаолиятдан лавҳалар

Алексей Попов олган суратлар



Спорт янгиликлари

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

ҚИРҒИЗИСТОН ПОЙТАХТИ БИШКЕК ШАҲРИДА БЕЛБОҒЛИ КУРАШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ҚИТЪАМИЗНИНГ ЎН ОЛТИТА МАМЛАКАТИДАН КЕЛГАН ЮЗ НАФАРГА ЯҚИН ПОЛВОН ЭРКИН ВА КЛАССИК УСУЛ БЎЙИЧА ГОЛИБЛИК УЧУН ГИЛАМГА ЧИҚДИ.

Классик усулда ўтказилган беллашувлар натижасига кўра, ўзбек полвонларидан Жаҳонгир Абдулжаев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпионлиги ва мусобақа олтин медалига сазовор бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Азизбек Эргашев, Исқандар Маҳаматов, Муҳиддин Ашуров кумуш, Азизбек Миркомиллов ва Нуриддин Ғозиев бронза медал билан тақдирланди.

Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган эркин усулдаги баҳсларда ҳамюртимиз Рустам Умаровга тенг келадигани топилмади. Моҳир курашчимиз барча учрашувларда рақибларини мағлуб этиб, шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Финалга йўлланма олган Мансурбек Отажонов ва Зоҳиджон Жумакулов кумуш, Қодир Умрзоқов, Исқандар Маҳаматов, Темур Шокиржонов бронза медални кўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган беллашувларда эса уч нафар ҳамюртимиз — Гулзира Мирзараҳимова, Дилноза Исоқова ва Саҳобат Шералиеванинг чиқишлари бронза медалга лойиқ кўрилди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ТЎҚҚИЗТА МАМЛАКАТДАН КЕЛГАН ЕТМИШДАН ЗИЁД ШАХМАТЧИ ГОЛИБЛИК УЧУН КЎЧ СИНАШДИ.

Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган мусобақанинг голиб ва совриндорлари қўшимча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланди. Чунки тўққизинчи турда турнир пешқадамлари — тожикистонлик Фаррух Омонатов ва россиялик Виталий Цешковский ўзаро дуранг ўйнаб, бир хил — еттидан очко тўпладди. Уларга сўнгги партияди украиналик Юрий Вовкин мағлубиятга учратган ҳамюртимиз Антон Филиппов етиб олди.

Бир хил очко жамғарган уч нафар шахматчи орасидан голибни аниқлаш мақсадида, улар қайд этган кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинди ва бош соврин Фаррух Омонатовга топширилди. Антон Филиппов иккинчи ўринга лойиқ кўрилган бўлса, Виталий Цешковский мусобақани учинчи поғонада якунлади.

Совринли ўрин соҳибларидан атиги ярим очко кам жамғарган Игорь Курносос (Россия), Саидали Йўлдошев (Ўзбекистон), Алексей Ким (Жанубий Корея) ва Жамшид Мустафоев (Ўзбекистон) эса кучли еттиликдан жой олди.

ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

БОКС — ЮРТИМИЗДА ЭНГ ОММАВИЙ СПОРТ ТУРЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ. ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЧАРМ КЎЛҚОП УСТАЛАРИ ҲАР ҚАНДАЙ МУСОБАҚАДА ЮҚОРИ

ЎРИНЛАР УЧУН РИНГГА ЧИҚАДИ. БУНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЖАҲОН ВА ОЛИМПИАДА ҲАМДА УЎНЛАРГА ГОЛИБЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН МУҲАММАДҚОДИР АБДУЛЛАЕВ, ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ — ЎТКИР ҲАЙДАРОВ, АББОС АТОВЕВ ҲАМ ИСОТЛАГАН.

Яқинда Сербия ва Украинада ўтказилган халқаро турнирларда ўзбек йигитлари нимага қодирлигини кўрсатди. Сербиянинг Белград шаҳрида бокс бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнирда Наби Бойматов ва Олим Муҳаммадов устозлик қилаётган ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталари муваффақиятли қатнашди.

Мусобақада ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратган Рафиқ Султонов, Баҳодир Султонов ва жаҳон чемпиони — Аббос Атоев шохсуланинг энг юқори поғонасига эгаллаб, олтин медал билан тақдирланди.

Финалга йўлланма олган яна икки боксчиси — Дилшод Омонов ҳамда Элшод Расулов терма жамоамиз ҳисобига биттадан кумуш медал келтирди.

Мазкур халқаро турнир боксчиларимиз учун жорий йилнинг август ойида Пекинда бўладиган Олимпиада ўйинларига тайёрларик вазиғасини ўтади. Эслатиб ўтамиз, ҳамюртларимиздан етти нафари — Тўлашбой Даниёров, Хуршид Тожиев, Рафиқ Султонов, Баҳодир Султонов, Дилшод Маҳмудов, Элшод Расулов ва Аббос Атоев Олимпия лицензияларини кўлга киритган.

Украинанинг Донецк шаҳрида бокс бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнирда эса Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

амалга оширган ишлари унинг ҳарбий-амалий маҳоратининг юксаклиги ҳозирги кунда ҳам рақиблар ўртасида катта аҳамиятга эга эканлиги кайд этилди.

Шунингдек, тадбирда сузга чиққанлар улуг аждодимизнинг амалга оширган ишлари, унинг давлат бошқаруви ва ушбу

АЖДОДЛАР ЎГИТИ БАРДАВОМ

ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚЎШИН ҚЎМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИДА А.ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ САЪНАТИ, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ТУТГАН ЎРНИ МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент Олий Умумқўшин қўмондонлик билим юрти айни дамда қуролли кучлар сафига юқори малакали, етарли жанговар тахрибга эга офицер кадрларни етказиб берувчи йирик ҳарбий ўқув даргоҳи ҳисобланади.

Тадбирда Офицерлар билан бирга билим юртида таҳсил олаётган курсантлар бобкалонимизнинг ҳаёт йўли, ҳарбий соҳадаги фаолияти билан янада яқиндан танишишди. А.Темурнинг ҳарбий соҳада

соҳага бўлган эътибори ҳақида гапирди. Зеро, мазкур ўғитлар офицерларни юқори билим ва салоҳиятга эга бўлишида катта аҳамият касб этаётди. Бундан ташқари, анжуманда ёшларнинг ҳар бири мураккаб вазиятларда тезкор, аниқ қарор қабул қила олиш қобилиятига эга интелектуал етуқ, ватанларвар, ўз ишига содиқ фарзандлар бўлиб етишиши лозимлиги таъкидланди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Етти мамлакатдан келган 1990-1991 йилларда туғилган юз нафарга яқин боксчи голиблик учун рингга чиққан ушбу мусобақада таниқли мураббий Мансур Маҳмудов шогирдларидан беш нафари финал йўлланмасига эга бўлди.

Ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталаридан Ботиржон Маҳмудов, Уткирбек Назиров, Дилшод Ҳамроев ҳамда Шухрат Абдуллаев барча жанглари муваффақиятли якунлаб, терма жамоамиз ҳисобида тўртта олтин медал тақдим этилди. Финал жангида қатнашган Бунёд Машрабов кумуш медал билан тақдирланди.

Боҳир БЕК

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ПЕКИНГА БОРИШАДИ

ҚОЗОҒИСТОНДА БОКС БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Жорий йилнинг ёзида Хитой пойтахти Пекинда ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи ушбу турнирда иштирок этган ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталари — Хуршид Тожиев ва Тўлашбой Дониёровлар ўз вазн тоифаларида барча рақибларидан маҳоратлироқ эканликларини исботлаб турнир голиблигини кўлга киритишди.

Энди боксчиларимиз ўз омадларини Пекинда ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида синаб кўришади.

Шуниси қувонарлики, бугунгача мамлакатимиз спортчилари ҳисобидаги Олимпиада йўлланмалари сони 31 тага етди.

(Ўз муҳбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармаси

қурилаётган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси

Тошкент вилояти; Бўстонлик туманидаги «Семурғ» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг реконструкцияси объекти бўйича:

ТАНЛОВ САВДОСИ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҚУРИЛИШ давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ишларни якунлаш мuddати — шартнома тузилган кундан бошлаб уч ой ичида

БУЮРТМАЧИ: Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ишлар бошқармаси қурилаётган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси

САВДОЛАР ТАШКИЛОТЧИСИ: Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ишлар бошқармаси қурилаётган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси

Талабгор корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қўйиматидан 20 фоиздан

кам бўлмаган миқдорда айланма маблағларга эга бўлиши ёки кўрсатилган маблағларни олиш учун банк қаролатининг бўлиши: ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; ушбу танловдагиға ўхшаш иншоотларда иш тахрибасига ҳамда шартномани тузиш учун фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва ваколатларига эга бўлиши лозимдир.

Савдоларда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўров билан қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри, Ю.Ражабий кўчаси, 66/5 да жойлашган савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармаси қурилаётган

бино ва иншоотлар бирлашган дирекциясига мурожаат қилиш лозим.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг баҳоси юз минг сўм.

Офертлар савдо ташкилотчилари томонидан қуйидаги манзил бўйича қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Ю.Ражабий кўчаси, 66/5. Тел: 139-11-15, факс: 139-11-30.

Офертни савдолар ташкилотчисиға офертларни очиб кунни ва соатига топширишининг сўнгги мuddати қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади: Тошкент шаҳри, Ю.Ражабий кўчаси, 66/5.

Офертларни очиб эълон чиққан кундан бошлаб 30 кундан кейин амалга оширилади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма: Г-306

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.